



2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

Assalomu alaykum, azizlar!

BESHARIQ TONGI

**Beshariq tumani
hokimligining
ijtimoiy-siyosiy
nashri**

Gazeta 1932 yil 15-maydan chiqqa boshlagan.

2023 YIL 25-FEVRAL
SHANBA, № 8 (9045)

(Bahosi kelishilgan narxda)

**Gazeta haftada bir
marta chiqadi**

ҚАРОР ВА ИЖРО

Туман ҳокимлигида ташкилот ва корхона раҳбарлари, тадбиркорлар ҳамда маҳалла ҳоким ёрдамчилари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди.

ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ:

АРЗОН, ҚУЛАЙ, САМАРАЛИ



Йиғилишда Президентимизнинг жорий йил 16 февралдаги “2023 йилда қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларни жорий этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридан келиб чиқадиган мақсад ва вазифалар атрофида муҳокама қилинди.

Туман ҳокими Р. Жўраев Президентимиз томонидан қабул қилинган қарорда қуёш панелларидан фойдаланишда аҳоли ҳамда тадбиркорлар учун кенг имкониятлар яратиб берилганлигини таъкидлаб ўтди. Жумладан, қарорга кўра, 2023 йилда умумий қуввати 4 300 МВт бўлган қайта тикланувчи энергия манбалари, жумладан, 2100 МВт йирик қуёш ва шамол электр станциялари, 1200

МВт ижтимоий соҳа объектлари, хўжалик субъектларининг бино ва иншоотлари ҳамда хонадонларда ўрнатиладиган қуёш панеллари, 550 МВт тадбиркорлар томонидан барпо этиладиган кичик фотоэлектр станциялари ишга туширилади, деди ҳоким. Шунингдек, 2023 йилда давлат-хусусий шериклик асосида 27 та йирик қувватли қуёш ва шамол электр станциялари қурилади. 20 мингта ижтимоий соҳа объектлари ва давлат идораларида кичик қувватли қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари ўрнатилди. Жами 11 минг нафар тадбиркорнинг бино ва иншоотларида қуёш панеллари ўрнатилди ҳамда кичик фотоэлектр станциялари қурилади. 37 минг аҳоли хонадонларида кичик қувватли қайта тикланувчи энергия манбалари



қурилмалари ўрнатилди. Фойдаланишга топшириладиган 765 та кўп қаватли уйлар қайта тикланувчи энергия манбалари билан таъминланади. Худудларда 103 та кичик ва микро гидро-электрстанциялар барпо этилади. 5 407 та ижтимоий соҳа объектлари кўмир билан иситилади. Қарорга кўра, шунингдек, ижтимоий соҳа объектлари, давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг бино ва иншоотларида кичик қувватли қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ўрнатиш ва эксплуатация қилиш бўйича масъулияти чекланган жамият шаклидаги “Яшил энергия” компанияси ташкил этилди.

2023 йил 1 апрелдан республика худудларида аҳоли хонадонларига кичик қувватли (умумий қуввати 50 кВт гача) қуёш панелларини ўрнатишни рағбатлантириш бўйича “қуёшли хонадон” дастури амалга оширилади.

Дастур доирасида аҳоли томонидан қуёш панеллари орқали ишлаб чиқарилган ортиқча электр энергиясининг ҳар бир киловатт-соатига 1 000 сўмдан субсидия ажратилади.

Йиғилишда тижорат банклари ходимлари йиғилганларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб қайтарди.

СУРАТДА: қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этишга бағишланган йиғилишдан лавҳа.

Мамлакатимизда 2023 йил 1 апрелдан умумий қуввати 100 кВтгача бўлган қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ўрнатган жисмоний ва юридик шахслар қатор солиқлардан озод қилинади.

Юқорида эслатилган қарорга асосан 2023 йил 1 апрелдан умумий қуввати 100 кВтгача бўлган қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ўрнатган жисмоний ва юридик шахслар улар фойдаланишга топширилган пайтдан эътиборан 3 йил муддатга, ўрнатилаётган қуёш панелларининг қувватига нисбатан 25 фоиздан кам бўлмаган

қувватга эга электр энергиясини сақлаш тизими билан ўрнатилган бўлса - 10 йил муддатга қурилмалар бўйича мол-мулк, қурилмалар билан банд бўлган участкалар ер, юридик шахслар томонидан умумий тармоққа сотган электр энергияси учун олган фойдасидан ҳисобланадиган фойда солиғини тўлашдан озод этилади.

2023 йил 1 мартдан ягона электр энергетика тизимига уланиш учун берилган техник шартларда кўрсатилган қувватдан юқори бўлмаган қайта тикланувчи энергия ман-

балари қурилмаларини электр тармоқларига улашда қўшимча техник шарт олиш талаб этилмайди.

Қарорга кўра, тадбиркорлар, хорижий инвесторлар:

- қайта тикланувчи энергия манбаларида ишлаб чиқарилган электр энергиясини давлат органига ва (ёки) ҳудудий электр тармоқларига ўрнатилган тарифларда, бошқа истеъмолчиларга ўзаро келишилган нархларда тўғридан-тўғри тузилган, шу жумладан, узоқ муддатли шартномалар асосида сотиши;
- бошқа шахсларга тегиш-

БАНДЛИК

Маълумки, қонунчилигимизга асосан ҳар бир фуқаро ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга. Бу борада аҳолига давлат ва жамоат ташкилотлари яқиндан ёрдам беришлари лозим.



ИШСИЗЛИКДАН ҲОЛИ ХУДУД БЎЛАДИ

Шу маънода туман прокурори Шуқурулло Ҳатамовнинг ташаббуси билан секторда истиқомат қилувчи меҳнатга лаёқатли, айни дамда ишсиз, чет элдан қайтган мигрантлар ҳамда жазони ижро этиш муассасасидан қайтган шахслар бандлигини таъминлаш мақсадида бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси ташкил этилди.

Меҳнат ярмаркасида 2-сектор ҳудудидаги 14 та маҳалла фуқаролар йиғинларида истиқомат қилувчи 265 нафардан ортиқ фуқаролар таклиф этилди. Тадбирда 61 та корхона ва ташкилотлар 209 та бўш иш ўринлари билан қатнашди.

Тадбир жараёнида 27 нафар фуқароларга ишга жойлашиш бўйича йўлланмалар берилди. 9 нафар аёллар ўқиш бўйича турли курсларга ва ҳақ тўланадиган жамоат ишларига таклиф қилинди.

Шунингдек, прокурор секторидан истиқомат қилувчи 55 нафар фуқароларга меҳнат қонунчилиги ва бошқа масалаларда ҳуқуқий маслаҳатлар берилди. Улардан 20 нафар аёллар тукувчилик йўналишидаги ўқув курсларига жалб этилди.

Меҳнат ярмаркаси якунида 10 нафар ишсиз аёллар “Тўқимачи” МЧЖга таклиф этилиб, корхонада ишчиларга яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан таништирилди. Уларга ҳам ишга жойлашиши учун йўлланмалар топширилди.

Бир сўз билан айтганда, 2-сектор ўрамини “Ишсизликдан ҳоли ҳудудга айлантириш” борасидаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

(Ўз мухбиримиздан).

СУРАТДА: меҳнат ярмаркасида.

ИМТИЁЗЛАР БЕРИЛАДИ

қувватга эга электр энергиясини сақлаш тизими билан ўрнатилган бўлса - 10 йил муддатга қурилмалар бўйича мол-мулк, қурилмалар билан банд бўлган участкалар ер, юридик шахслар томонидан умумий тармоққа сотган электр энергияси учун олган фойдасидан ҳисобланадиган фойда солиғини тўлашдан озод этилади.

2023 йил 1 мартдан ягона электр энергетика тизимига уланиш учун берилган техник шартларда кўрсатилган қувватдан юқори бўлмаган қайта тикланувчи энергия ман-

балари қурилмаларини электр тармоқларига улашда қўшимча техник шарт олиш талаб этилмайди.

Қарорга кўра, тадбиркорлар, хорижий инвесторлар:

- қайта тикланувчи энергия манбаларида ишлаб чиқарилган электр энергиясини давлат органига ва (ёки) ҳудудий электр тармоқларига ўрнатилган тарифларда, бошқа истеъмолчиларга ўзаро келишилган нархларда тўғридан-тўғри тузилган, шу жумладан, узоқ муддатли шартномалар асосида сотиши;
- бошқа шахсларга тегиш-

ли объектларда ижара ҳуқуқи асосида қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ўрнатиб, ушбу қурилмаларда ишлаб чиқарилган электр энергиясини сотиши мумкин бўлади.

Марказий банк ва тижорат банклари томонидан **2023 йил 1 мартдан** “яшил энергия” банк молия продукты амалга киритилади.

2023 йил 1 майдан фойдаланишга топшириладиган кўп қаватли уйлар томлари бўш қисмининг камида 50 фоизда қуёш панелларини ўрнатиш талаби жорий қилинади. Янги

ташкил этиладиган иссиқхона хўжаликлари ҳамда цемент, ғишт ва оҳак маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларга табиий газ тармоқларига уланиш учун техник шартлар берилади тақиқланади. Республикадаги барча ёнилғи (автобензин, суюлтирилган ва сиқилган газ) қуйиш шохобчаларининг маъмурий-техник эҳтиёжлари ва ҳудудини ёритиш учун электр энергияси таъминотининг камида 50 фоизи ушбу объектларда ўрнатиладиган қуёш панеллари орқали қопланиши талаб этилади.

**“Янги Ўзбекистон”
газетасидан.**



МУРОЖААТНОМА АСОСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида солиқ тизимида амалга оширилиши лозим бўлган муҳим ўзгаришлар белгилаб берилди.

КЕНГ КЎЛАМЛИ
КЎМАК

Хусусан, мол-мулк ва ер солиқларининг бир қисми маҳалланинг ўзида қолиши кутилаётган «Маҳалла бюджети» тизими жорий этилмоқда. Шунингдек, туманларнинг иқтисодий ривожланишига қараб турли солиқ ставкалари қўлланилиши кўзда тутилмоқда. Мисол учун, шароити энг оғир бўлган республикадаги 20 та туман учун айланмадан олинган солиқ, фойда солиғи, ижтимоий солиқ ставкалари 1 фоиз миқдорида белгиланмоқда.

Бундан ташқари, бизнесга солиқ юкини камайтириш мақсадида 2023 йил 1 январдан бошлаб ҚҚС ставкаси 15 фоиздан 12 фоизга пасайтирилди. Шу билан бирга Президентимиз ўз Мурожаатномасида давлат идоралари тадбиркорларга сервис хизмати кўрсатиши лозимлиги ва янги йилда мазкур жараён бўйича баҳолаш тизими жорий этилишини айтиб ўтди.

Албатта, давлат солиқ хизмати органлари «Солиқчи - кўмакчи» тамойили асосида солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиши давом эттирилмоқда. Шу мақсадда туман давлат солиқ инспекцияси ходимла-

ри томонидан тадбиркорлар билан турли очик мулоқот ва учрашувлар ташкил этилапти. Аниқланган муаммолар ўрганилиб, ижобий ҳал этиш чоралари кўриляпти. Шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун муҳим бўлган қатор йўналишларни белгилаб олган ҳолда амалий ёрдамлар кўрсатилмоқда.

Хусусан, 2023 йил январ ойи давомида туман ДСИ томонидан 270 та тадбиркорлик субъектларини қийнаётган муаммолар ўрганилди. Мазкур жараён давомида кўмаклашиш зарур бўлган 270 та тадбиркорлик субъектларига дастлабки бухгалтериясини юритиш, қулай солиқ режимини танлаш, солиқ имтиёзлари ва уларни қўллаш тартибини тушунтириш, ортиқча ҚҚС тўловларини қайтариш каби масалалар юзасидан амалий ёрдамлар кўрсатилди.

Биз, солиқ идораси ходимлари бундан буён ҳам, албатта, тадбиркорга маслаҳатчи, кўмакчи ва яқин ҳамкор сифатида фаолиятимизни давом эттирамиз.

А. ТУРАНОВ,
туман ДСИ бошлиғи.

Қарорда ёшларнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги хабардорлигини кўпайтириш;

- давлат органлари ходимларининг инсон ҳуқуқлари ва гендер тенглик соҳасидаги билим ва кўникмаларини ошириш;

- инсон ҳуқуқлари соҳасида педагог кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш;

- аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларининг инсон ҳуқуқлари борасида хабардорлигини яхшилаш;

- инсон ҳуқуқлари бўйича таълим соҳасида фуқаролик жамияти институтларининг фаоллигини ошириш;

- замонавий технологиялар, бадиий асарлар, оммавий ахборот воситаларидан фойдаланган ҳолда инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбия тизимининг самарадорлигига эришиш;

- инсон ҳуқуқлари бўйича таълим соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш Мил-

2022 йил 19 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинган эди.

Қарорга мувофиқ ёшлар билан ишлашнинг янги бошқарув механизмларини жорий этиш, улар билан ишлашнинг вертикал тизimini яратиш, ёшлар муаммоларини бевосита маҳаллаларда ҳал этиш, таълим муассасаларида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларнинг самарадорлигини янада ошириш мақсадида республикамиздаги ҳар бир маҳаллада ёшлар етакчиси лавозими жорий этилди.

Президентнинг 2023 йил 15 февралда ўтказган йиғилишида ёшларни эътибор ва ғамхўрлик билан тўла қамраб олиш мақсадида улар «маҳалладан вазирликка» тизими орқали давлат идораларига горизонтал ва вертикал шаклда бириктирилиши белгиланди.

Янги тизим бўйича белгилаб берилган топши-

ҚАРОР ВА ИЖРО

МИЛЛИЙ ТАЪЛИМ
ДАСТУРИ

2023 йил 7 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий таълим дастурини тасдиқлаш тўғрисида» ги қарори қабул қилинди.

лий таълим дастурининг асосий вазифалари ҳисобланиши белгиланган.

Шунингдек, 2023-2024 ўқув йилидан бошлаб профессионал ва олий таълим тизимида «Инсон ҳуқуқлари», «Аёллар ҳуқуқлари», «Бола ҳуқуқлари» бўйича тегишлича ўқув ва махсус курслар жорий этилади.

2023 йил 1 июндан бошлаб Марказ томонидан ҳар йили «Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги таълим ва

инновациялар» миллий танлови ўтказиб борилади. Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари, аёллар ҳуқуқлари, бола ҳуқуқлари ва мигрантлар ҳуқуқлари йўналишларида фаолияти мазкур шахслар билан бевосита боғлиқ бўлган ташкилотларда ўқув курслари ва семинар-тренинглар ташкил этилади.

А. ҒАНИЕВ,
туман адлия бўлими етакчи маслаҳатчиси.

ЁШЛАР АГЕНТЛИГИДА

ЕТАКЧИЛАР ЎҚУВИ



риқлар ижросини таъминлаш учун туман ҳокимлиги ҳамда ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими томонидан маҳаллаларда фаолият юритаётган ёшлар етакчилари учун ўқув-семинар машғулотлари ўтказилди. Ўқув жараёнида ёшлар етакчилари «Маҳалладан вазирликка» тизимининг моҳияти, унда иш олиб бориш

йўл-йўриқлари борасидаги билимларини мустаҳкамладилар.

Ўқув-семинар давомида ёшлар етакчилари ўзларини қизиқтирган барча саволларига жавоблар олди.

(Ўз мухбиримиздан).

СУРАТДА: ёшлар етакчилари ўқув семинари жараёнидан лавҳа.

СИЁСИЙ
ПАРТИЯЛАРДА

Ўзбекистон ХДП туман ташкилоти биносидан «Энг фаол ХДП депутати» кўрик-танлови ташкил этилди.

Туман партия ташкилоти раиси М. Ниёзов кўрик-танловнинг мақсади ва шартлари билан иштирокчиларни таништирди.

Кўрик танловда барча шартга мукамал жавоб берган туман Кенгаши депутати Жаҳонгир Мадаминов ғолиб, деб топилди. У вилоят босқичида туман бўлими шарафини ҳимоя қилади.

Тадбирда фаол иштирокчиларга эсдалик совғалари берилди.

СУРАТДА: кўрик-танлов жараёнидан лавҳа.

ЭНГ ФАОЛ ДЕПУТАТ



МАЖБУРИЙ ИЖРО

Меҳнатга лаёқатсиз ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаган шахс 15 суткага маъмурий қамоққа олинади.

МАЪМУРИЙ ҚАМОҚ

Вояга етган шахсларнинг меҳнатга лаёқатсиз ва моддий ёрдамга муҳтож бўлган ота-онасини ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаши, яъни уларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами бўлиб икки ойдан ортиқ муддат мобайнида тўла-маслик 15 суткага маъмурий қамоққа олишга ёки маъмурий қамоқ қўлланилиши

мумкин бўлмаган шахсларга БХМнинг 20 баравари (6 млн. сўм) миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Биринчи марта ҳуқуқбузарлик содир этган шахс, агар у маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриш жараёнида алимент мажбуриятлари бўйича қарздорлиқни ихтиёрий равишда тўлаган бўлса, жавобгарликдан озод этилади.

М. АҲМЕДОВ,
МИБ туман бўлими давлат суд ижрочиси.



1 МАРТ – ЗУЛФИЯ ТУФИЛГАН КУН

Зулфия Исроилова — таниқли ва иқтидорли ўзбек шоираси. Шоира шеъриятининг нуфузи - бизнинг дабдабали мураккаб давримизнинг ҳаққоний ифодаси, ўзига хослиги, замондошларимизнинг қалби ва ҳаракатларининг ёрқин тасвиридадир.

“АХИР, БАХТ ОНА-ДИЁРДАГИНА ТИРИКДИР”

Ўзбек халқининг сеvimли шоираси, таниқли жамоат арбоби Зулфия Исроилова 1915 йил 1 март куни Тошкентда ҳунарманд оиласида туғилган. Шоира хотин-қизлар билим юртида ўқиган вақтларидаёқ (1931-1934) адабий тўғаракларда шеърлар машқ қила бошлади. 1935-1938 йилларда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институти аспирантурасида тахсил олди. Сўнгра 1938-1948 йилларда болалар нашриётида муҳаррир, Ўзбекистон Давлат нашриётида, 1950-1953 йилларда эса «Ўзбекистон хотин-қизлари» («Саодат») журналида бўлим мудири. 1953-1980 йилларда эса бош муҳаррир бўлиб ишлади.

Зулфия 17 ёшида «Ҳаёт варақлари» (1932) биринчи шеърлар тўплами билан Ойдин, Мўзайяна Алавия, Хосият Тиллахоновалар сафига кириб келди. Зулфиянинг ижодий камолотида ўзбек ва рус мумтоз адабиёти, халқ оғзаки ижодиёти ва жаҳон адабиёти анъаналарининг роли бе-ниҳоя бўлди. Шоира «Шеърлар» ва «Қизлар кўшиғи» (1938) каби поэтик асарларини она-Ватан ва унинг дала, чўлларида меҳнат қилаётган пахтакорлар, механик, тракторчи қизларнинг қайноқ ҳаётига бағишлайди. Айни чоғда мазкур тўпламлардаги шеърлари шоиранинг шеърий маҳорат сирларини эгаллаётган даврини характерловчи асарлар сифатида ҳам муҳим эди. Уруш даврида шоиранинг «Уни Фарход дер эдилар» (1943), «Ҳижрон кунларида» (1944) каби тўпламларининг нашр этилиши Зулфиянинг

пешқадам шоирлар қаторига дадил кириб келаётганлигидан нишона эди. Тўпламдаги шеърлар Ватанга муҳаббат, душманга нафрат ва ғалабага ишонч руҳида яратилганлиги билан характерлидир. Зулфиянинг «Менинг Ватаним», «Қўлимда қуролу устимда шинель», «Бизни кут» каби умидбахш шеърлари уруш даври ўзбек шеъриятининг жанговар руҳини ифодаловчи асарлар қаторидан ўрин олган. Шоиранинг урушдан кейинги йилларда ёзилган «Далада бир кун» (1948), «Тонг кўшиғи» (1953) каби бир қатор шеърлар туркуми, «Мен тонгни кўлайман», «Юрагимга яқин кишилар» (1958), «Кўларим сизга» (1965) тўпламларида Ватан мадҳи, меҳнат жараёнида фидокорлик кўрсатаётган кишилар ҳаёти жўшиб кўйланади. Уни «Сўроқлайди шоирни шеърим» (1960), «Ойдин» (1953), «Кўёшли қалам» (1967) каби очерк ва дostonлари Ҳ. Ҳакимзода, Ойбек, Ойдин, Ҳамид Олимжон каби устозларнинг ёрқин хотираларига бағишланган. Зулфия Ҳ. Олимжоннинг «Семурғ», «Зайнаб ва Омон» дostonлари асосида пьеса ва опера либреттосини ҳам яратган. Зулфия «Уйлар», «Шалола» каби шеърий мажмуалари учун Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти совриндори бўлган.

Ҳинд мавзуидаги шеърлари учун Жаҳоҳарлал Неру номидаги халқаро соврин, тинчлик ва дўстликни тараннум этувчи асарлари ҳамда тараққийпарвар Осие ва Африка ёзувчилари ҳаракатидаги фаол иштироки учун халқаро

«Нилуфар» мукофотида сазовор бўлган. Шоира Ҳиндистон, Югославия, Шри Ланка, Миср, Бирма, Австрия каби мамлакатларда бўлди. У 1956 йилда Осие ва Африка ёзувчиларининг Дехлида ўтказилган биринчи конференциясида қатнашиб, машҳур «Мушоира» (1958) асарини яратди. Унинг шеърлари рус, инглиз, немис, ҳинд, болгар, хитой, араб, форс ва бошқа тилларга таржима қилинган. Шоира Некрасов, Лермонтов, В. Инбер, Леся Украинка, Эди Огнецвет, М. Дилбозий, Амрита Притам асарларини ўзбек тилига маҳорат билан таржима қилган. Атоқли шоира 81 ёшида, 1996 йил 1 августида вафот этди.

Шоира 1984 йил “Жамият меҳнат қаҳрамони” унвонига сазовор бўлган. 2004 йил Ўзбекистонда Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилиб, адабиёт, санъат, илм-фан, маданият ва таълим, спорт соҳаларида муваффақиятга эришган, ёши 14 дан 30 ёшгача бўлган қизларга ҳар йили 8 март - Халқаро хотин-қизлар байрами кўни тақдим этилади. Бугунги кунга келиб, Зулфия мукофоти лауреатлари кўпчиликини ташкил қилади.

Шоира Ватанидан ташқаридаги бахтни тан олмайди, ҳатто, у ер яхшироқ бўлса ҳам. “Ахир, бахт она-диёрдагина тирикдир”, дейди шоира. Ҳа, Ватан, бахт, садоқат ва фони куйлаган Зулфиянинг ижоди, шеърлари абадий барҳаётдир.

У. АСТАНАҚУЛОВА,
туман ХТБ услубчиси.

ОБОДОНЧИЛИК

ОБОД ВА КЎРКАМ



Маҳалла фуқаролар йиғинларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 октябрдаги «2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда.

Жумладан, Навкат МФЙдаги Сайхонлик, Тумановул, Булоқбоши кўчаларида 1 минг 200 метр ички йўллар асфальтланиб, ҳудуд янада обод ва кўркам масканга айлантирилмоқда.

СУРАТДА: равон йўллар.

ТОЗА СУВ ТАРМОҒИ



Кўйи Товул маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги 120 дан зиёд хонадоннинг ҳеч бирига шу вақтга қадар тоза ичимлик суви тармоқлари кириб бормаган эди.

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 25 октябрдаги “2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ айни кунларда ушбу му-

аммони бартараф этиш, ҳудудни ичимлик суви билан таъминлаш бўйича қизғин ишлар амалга оширилмоқда.

Қишлоққа 3 минг 200 метр ичимлик суви тармоғи тортилмоқда. Бу ишларда маҳалла аҳли ҳам ҳашар уюштириб, фаол иштирок этяпти.

СУРАТДА: иш жараёнидан лавҳа.

МАЪНАВИЯТ ЎЧОҒИ

Кутубхона, бу – билимлар сарчашмаси, маданият ўчоғи ва маънавият булоғидир. Ушбу серқирра маскан ёшларнинг ҳаётида мутолаа маданиятини шакллантириш, китобга бўлган меҳрини ошириш, дунёқарашининг кенгайишида катта роль ўйнайди. Бугунги кунда кутубхоналар тобора кўпроқ аҳолини умумий ёки яқин тартибда қўллаб-қувватловчи муҳим ижтимоий марказга айланмоқда.

Кутубхоналар тош ва металл, сопол ва ёғоч парчалар, папирус варақлари ва пергамент кодекслари, палма барглари ва қайин пўстлоғи, кейинчалик эса ипак ва қоғозда яратилган китоблардан иборат бўлган. Асрлар давомида ишлаб чиқариш материаллари ва усули ўзгарган бўлсада унинг мақсади ўзгаришсиз қолди: тарихни сақлашда хизмат қилиш, билим, тажриба, бадиий қадриятларни келажакка узатиш.

Бу зий масканлари жамият учун муҳим, чунки улар барча фуқароларга билим ва маданиятдан фойдаланиш имкониятини беради. Бутун дунёда кутубхоналар аҳолининг барча қатламлари учун очик бўлган, ахборот фойдаланувчилари учун биринчи бошпана ҳисобланади. Лекин, афсуски, ҳозирги вақтда кутубхоналарнинг жамият маданий ҳаётидаги ўрни пасайиб кетмоқда.

Ҳозирги ёшлар А. Навоий билан З.М.Бобурни чалқаштириб юборишди, бошқа шоир ва адибларимизнинг сатрларини базўр эслайдилар. Китоб мутолаасининг ўрнини хоҳлаган маълумот ва адабиётни бир неча сонияларда, ихчамлаштирилган ҳолатда топиш мумкин бўлган интернет эгалламоқда. Тан олишимиз керак, тарихий, миллий-маърифий, маънавиятимизни мустаҳкамловчи адабиётларимиз камайиб кетмоқда. Буларни ўқимоқчи бўлган талабгорлар эса йўқ эмас. Бу аянчли доирага айланади: улар ўқийолмайдилар, чунки китоблар йўқ ва улар нашр қилинмайди, чунки талаб кам. Ҳарбда баъзи нашриётлар ҳали ҳам ўқувчини эркалайди, кўнглига

қарайди - уларнинг қизиқишлари ва сўзининг мураккаб билувчилар учун, нархи озгина қиммат бўлсада, эксклюзив нашрларни чиқариш имкониятини топадилар. Балки биз ҳам бу ҳақда ўйлашимиз керакдир? Келажакда кутубхона муайян функцияларни бажарадиган ташкилот, давлат муассасаси сифатида ўзгаради.

Компьютерлар ва телевизорлар, дайжестлар тўплами, радиодаги газета шарҳлари, интернет ва видеолардан ортиб, китоб ўқишга вақт борми? Бу ўзимизга боғлиқ. Истак бўлса, вақт топилади. Истак келса... Социологик тадқиқотлар ўтказган сўровга кўра, китоб ўқийдиганларнинг қарийб 60 фоизи 55 ёшдан ошганлардир. Янги китобларни, асосан, ёшлар сотиб олади - булар, биринчидан, қўлланмалар, маълумотномалар, иккинчидан, детектив хикоялар ва фильм бестселлерлари. Учинчи ўриндагина мумтоз адабиётга бўлган қизиқишдир. Шунда ҳам пулга сотиб олгиси келмайди, мен уни кутубхонадан олганим маъқул, дейди. Замонавий ёшларимиз Заҳрирдин Мухаммад Бобурнинг “Бобурнома” ёки Навоийнинг “Хам-

са” дostonларини ўқишни хоҳламайди, ўқиган тақдирда ҳам қайта ўқишни унчалик хуш кўрмайди. Шу боис Ўзбекистон нашриётлари ўз исботини топан йўлдан боришни, маълумотнома ва ўқув адабиётларига таянишни маъқул кўради. Сўнги бир неча йил ичида иқтисод, қонунларга шарҳлар бўйича қўлланмалар, бой бўлиш учун мотивацион китоблар ва чет эл адабиётларига талаб бўлмоқда. Миллий адабиётгачи?..

Инсонга кутубхона, биринчи навбатда, интентив иш даврида (мактаб, талабалик йиллари, диссертациялар, илмий қўлёзмалар ёки нашрларни тайёрлаш пайти ва бошқаларда) маълумот манбалари қиммат бўлиб, уни олишнинг иложи бўлмаганида зарур бўлади. Шундай пайтлар келади, кутубхонада фойдаланувчиларнинг сони кўпайиб кетади. Инсон учун кутубхона қисқа муддатга ўз аҳамиятини йўқотиши мумкин, аммо узоқ муддатли истиқболда унинг аҳамияти доимо сақланиб қолади.

Маълумки, таълим-тарбия, дунёқараш, фуқаролик ва танқидий фикрлаш тўғрисидаги юксалти-

риш, одоб-ахлоқ, миллий анъаналарни асраб-авайлашда китоб ва кутубхонанинг ўрни ниҳоятда катта.

Айни кунда кутубхоналар олдида турган асосий муаммолардан бири сифат менежментга асосланган фаолиятни такомиллаштиришдир. Ўқишнинг ўзи ўзгарганини тушуниш керак. Энди бу шунчаки дам олиш фаолияти эмас. Китоб билим олиш, мақсадларга эришиш учун зарур бўлган маълумотларни олиш учун ишлатилади. Афсуски, биз ҳали китобхоналар билан доимий алоқа мавжудлиги ҳақида гапира олмаймиз. Устувор истезмолчилар гуруҳларини аниқлаш, уларнинг қизиқиш ва сўровларини ўрганиш, ахборот хизматлари кўламини кенгайтириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш, аҳолига хизмат кўрсатиш жараёнини модернизациялаш орқали ахборот ва ижтимоий эҳтиёжларни қондириш бўйича ишларни режалаштириш зарурлиги долзарблигига қолмоқда.

Ж. НОРМАТОВ,
туман ахборот-кутубхона
маркази директори.

КУТУБХОНА ҚАЧОН КЕРАК?

БОЛАЖОНЛАР - БАХТИМИЗ

СПОРТ

Туманда яна бир давлат мактабгача таълим ташкилоти учун барча қулайликларга эга бўлган янги бино қурилиб фойдаланишга топширилди.

БОҒЧА УЧУН ЯНГИ БИНО



Навкат маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган 28-давлат мактабгача таълим ташкилотининг 50 ўринли биноси 1974 йилда барпо этилган эди. Ҳозирда 150 ўринга мўлжалланган янги бино 1 млрд. 109 млн. сўм маблағ эвазига янгидан бунёд этилди.

Айни кунларда таълим масканида 150 на-

фар болажонларга 33 нафар педагог ходимлар ўқув-тарбия машғулоти олиб боришмоқда. Тарбияланувчилар учун шахмат, инглиз, рус тили, хореография тўгаракларида машғулотлар ташкил этиляпти.

СУРАТЛАРДА: бинонинг умумий кўриниши; машғулот шинам хоналарда.



КАМОНДАН ЎҚ ОТИШ

Миллий гвардияга қарашли туманлараро Бешариқ қўриқлаш бўлими ташаббуси билан 1-спорт мактаби ва 23-мактаб ҳамкорлигида спортнинг камондан ўқ отиш тури бўйича туман биринчилиги мусобақаси ўтказилди.

Мусобақанинг бошланиши олдида туман ҳокимлиги жисмоний тарбия ва спорт бўлими бошлиғи О. Полвонов ҳамда қўриқлаш бўлими раҳбари Т. Мазокировлар ёшлар камолотида спорт ва жисмоний чиниқишнинг аҳамияти катта эканлиги, камондан ўқ отиш

иштирокчи диққатини жамлашга, мўлжални аниқ олишга ёрдам бериши ҳақида гапиришди.

Турнир жуда қизиқарли ва баҳсларга бой ҳолда ўтди. Унинг якунида ғолиб ва совриндор бўлган спортчи ёшларга Миллий гвардия қўриқлаш хизмати томонидан ажратилган диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

СУРАТДА: камондан ўқ отиш мусобақасидан лавҳа.

ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ

2022 йил давомида Республикаимиз темир йўл кесимларида жами 54 та поездлар ва автотранспортлар ўртасида тўқнашувлар содир бўлган. Фарғона водийсида жойлашган темир йўл кесимларида эса 13 та ҳолат натижасида 6 нафар фуқаролар турли жароҳатлар олган.

ТЕМИР ЙЎЛ - ХАВФЛИ ҲУДУД

Республикаимиз темир йўлларида 2022 йилда фуқаролар эҳтиётсизлиги оқибатида жами 50 ҳолатда поездлар фуқароларни уриб кетган. Шулардан 28 та ҳолат ўлим билан тугаган, 22 та ҳолатда фуқаролар жароҳатланган. Фарғона водийси темир йўлларида жами 13 та ҳолатда 9 та ўлим ва 4 тасида жароҳатланиш қайд этилган.



қўймаслик лозим.

Ҳурматли катталар!

Болаларни темир йўл яқинида ёлғиз қолдирманг. Эсингизда бўлсин, бу уларнинг ҳаёти учун хавфлидир.

Поездлар ҳаракати фуқароларнинг айби билан тўхтаб қолса, катта миқдорда жарималар қўлланилишига сабаб бўлишини эслатиб ўтамиз.

В. ОМОНОВ,
“Ўзтемирйўлназорат” инспекцияси
Фарғона филиали
бош инспектори.

Йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун жарималар миқдори қанча эканини биласизми? Автотранспорт эгалари буни билиб қўйишса фойдадан ҳоли бўлмайди.

Ҳаракат чоғида автомобиль камарини тақмаслик - 150.000 (105.500) сўм,
техник кўриқдан ўтмаслик, дори қўти йўқлиги - 150.000 (105.500) сўм,
автоуловни ҳужжатсиз ҳайдаш - 300.000 (210.000) сўм,
автоуловни сўғуртасиз ҳайдаш - 300.000 (210.000) сўм,
светофор қизил чироғида чорраҳадан ўтиш - 600.000 (420.000) сўм,
нотўғри парковка - 600.000 (420.000) сўм,
ҳаракат чоғида қўл телефонида гаплашиш - 900.000 (630.000) сўм,
автомобилни рақамсиз ҳай-

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚОИДАБУЗАРИГА ЖАРИМА

даш - 1.500.000 (1.050.000) сўм,
автоуловнинг тезлигини ошириш (20 км/с) - 300.000 (210.000) сўм,
тезликни ошириш (20-40 км/с) - 1.500.000 (1.050.000) сўм,
тезликни ошириш (40 км/с) - 2.700.000 (1.890.000) сўм,
йўлда қарама-қарши ҳаракатланиш - 3.000.000 (2.100.000) сўм,
автоуловни маст ҳолда ҳайдаш - 7.500.000 (5.250.000) сўм

ёки 3 йилгача ҳайдовчилик гувоҳномасидан маҳрум қилиш, автомобиль ойналарини рухсатсиз тонировка қилдириш - 7.500.000 (5.250.000) сўм жаримага сабаб бўлади.

Қавс ичида жарима пули 15 кун ичида тўланганда, 30 фоизлик чегирма кўрсатилган.

@Mr Do'ppi каналдан.

ИШОНИНГ, ҲАММАСИ ЎЗ ҚЎЛИНГИЗДА

Барчамизнинг яккаш орзуимиз - фарзандларимиз биздан ақлли, фаросатли, ҳаётда қоқинмайдиган, омадли бўлиб етишишидир.

Бу орзулар амалга ошиши учун, аввало, уйдаги муҳитни ижобий томонга ўзгартиришимиз керак. Болаларни руҳий тушкунлик, ишончсизлик ҳиссидан қутқаришнинг чораси - ҳаётнинг ҳар бир дақиқасидан қувонишга, бўлиб ўтган ҳар бир воқеага ижобий фикр билдиришга ўргатишдир. Ота-онанинг ўзига, ҳаётга ишончи, албатта, фарзандларида ҳам акс этади.

Кичикинтойингизни тонгда чиққан қуёшдан, ойиси пиширган кулчадан, олган “беш” баҳосидан чин дилдан хур-

санд бўлишга ўргатинг. Боланинг ҳаётдан завқ оладиган хушчақчақ инсон ёки одамови бўлиб улғайиши айнан ота-онанинг дунёқарашига боғлиқлигини унутмайлик.

Киши умидсизликка берилса, қаттиқ сиқилса, қондаги адреналин ва кортизол миқдори кескин ошади. Адреналин қон босимини кўтаради, қоннинг тез қуюлишига ҳам шу “жизза-

РУҲИЯТ

ки” гормон сабабчи. Кортизол эса танада ёғ қатламини ҳосил қилишда қатнашади. Бу хавфли жуфтлик юрак хасталикларининг ривожланишига қулай замин яратади.

Вақтингизни беҳуда сиқилишлар ва алдамчи хаёллар эгаллаб олишига йўл қўйманг. Бунинг фойдаси йўқ. Ҳадеб ўтган воқеаларни, омадсизликларни эсламанг!

@mehrob uz.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

36-мактаб ўқитувчилар жамоаси шу мактаб собиқ директори, меҳнат фахрийси Абдуазиз Ёрматовга турмуш ўртоғи **Мастоной она ЁРМАТОВА** вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

MUASSIS:
BESHARIQ TUMANI
HOKIMLIGI

Tuman hokimligining rasmiy veb-sayti www.beshariq.uz



Bosh muharrir
Sobirjon TEMIROV

Mas'ul navbatchi
Rahimjon MIRZAQULOV

Sahifalovchi
R. RAZZOQOV

Tahririyat manzili:
150301. Beshariq shahri,
Cho'pon ko'chasi, 22-uy.
beshariqtongi12@umail.uz

Telefonlar:
Muharrir: (73) 612-14-12
Hisobchi: (73) 612-14-13

Gazeta tahririyat komp'yuterida terilib, sahifalandi va «Andijon nashriyot-matbaa» MChJ bosmaxonasida ofset usulida chop etildi.

Bosmaxona manzili: Andijon shahri, Navoiy shohko'chasi, 71-uy. Nashr ko'rsatkichi - 7577.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Matbuot va axborot agentligining Farg'ona viloyat hududiy boshqarmasida 9. 01. 2007 yilda 12-021 raqami bilan ro'yxatga olingan.

Bichimi: A-3. Adadi 5121
Buyurtma:
Topshirish vaqti: 14.00
Topshirildi: 15:00